Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!

Ишонч

43

1994 йил 22—28 октябрь (185)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

ҚАРДОШЛАР ЯКДИЛЛИГИ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 октябрь куни туркийтилли давлатлар раҳбарларининг Туркияда ўтадиган олий даражадаги учрашувида иштирок этиш учун Истанбулга ташриф буюрди.

Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ҳамда Туркия давлат байроқлари билан безатилган Отатурк номидаги аэропортда мамлакатимиз раҳбарини Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирэл кутиб олди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди.

Кутиб олиш маросимидан сўнг Президентлар тушган махсус вертолёт "Дўлмабоғча" қароргоҳига йўл олди.

Шу куни ҳашаматли "Чироғон" меҳмонхонасининг тантаналар залида туркийтилда сўзлашувчи олтита давлат президентлари учрашдилар. Давлат бошлиқлари анжуманини Туркия давлати Президенти С. Демирэл кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг туркийтилли давлатлар раҳбарларининг ёпиқ мажлиси бошланди.

19 октябрь куни олий даражадаги учрашув давом этди. Анжуманда туркийтилли давлатларнинг ягона бозорини яратиш, минтақавий можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш, мустақилликка эришган туркий давлатларнинг эгаменлигини мустаҳкамлаш каби масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Туркиядан Тошкентга қайтиб келди.

УЛУҒБЕК РУҲИ БАРҲАЁТДИР

Куни кеча буюк олим ва давлат арбоби Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан қадимий ва навқирон Самарқанд байрам тусини олди. Буюк алломага бўлган чексиз ҳурмат туфайли ер юзини турли мамлакатларидан келган меҳмонлар, олимлар, минг-минглаб самарқандликлар бу байрамни тантанавор нишонладилар.

Байрам арафасида Самарқандга ташриф буюрган Президентимиз Ислом Каримов Мирзо Улуғбек мактаби ҳақида ҳикоя қилувчи музей, улуғ Амир Темур Кўрагон зиёратгоҳида бўлди. Машҳур расадхона ёнидаги Мирзо Улуғбек ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Улуғбекнинг муборак қадам изи сақланган муқаддас заминнинг Регистон майдонида 15 октябрь куни эрталаб наҳор оши тортилди. Сўнгра беқиёс тафаккури билан жаҳон маданияти хазинасини бойитишга улкан ҳисса қўшган олимга эҳтиром рамзи мисол ажиб тантана қанот ёйди. Катта анжуманда мамлакитимиз Президенти Ислом Каримов буюк олим Улуғбекнинг жаҳоншумул ишлари ва бизга қолдирган бой мероси хусусида нутқ сўзлади.

— Бугун насл-насабимизни эслаш ва тиклаш замони келган бир даврда, келажагимизни қураётган бир вақтда катта ғурур ва ифтихор билан айтишимиз мумкин: бизларнинг томиримизда Улуғбек қони бор, юрагимизда Улуғбек руҳи барҳаётдир, — деди Президентимиз. — **Бугун бизнинг мамлакатимизни, бизнинг салоҳиятимизни тан олаётган давлатлар ва халқлар бир нарсани яхши англамоқда: Улуғбекдай муносиб фарзандлари бўлган миллат ҳар қайси замонда ва ҳар қандай шароитда ҳам янгидан-янги ғояларни яратишга ва ривожлантиришга қодир халқдир. Бугун Улуғбекни эсламоқ — асрлар тарихи адолатини ва буюк қадриятларимизни қайтадан тикламоқ, кўнгилларни ифтихорга тўлдирмоқдир. Ва бизнинг миллий-маънавий илдизларимизнинг нақадар теран ва нақадар бақувват эканлигини исботламоқдир.**

Минглаб юлдузларни жамлаган мукаммал харита ва бугунги энг замонавий ҳисоблардан деярли фарқ қилмайдиган астрономик жадвал ижодчиси улуғ алломага бағишланган ялпи мажлисга меҳмонлар, БМТ ва ЮНЕСКО вакиллари ҳам иштирок этдилар. Улар иштирокида халқаро конференцияда юбилей ташкилот қўмитаси раиси, Республика Бош вазири А. Муталов мазкур юбилей ниҳоятда самарали ва мазмунли ўтаётганини таъкидлади. Шунингдек, ЮНЕСКО вакили С. Окажима,

БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Х. Малик, Ўзбекистон Фанлар Академияси Президенти вазифасини бажарувчи Ж. Абдуллаев журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берди.

Шу куни тантана иштирокчилари ҳам Мирзо Улуғбек расадхонаси, меъморлик музейини бориб кўрдилар, Гўри Амир мақбарасининг таъмирдан сўнгги очилиши маросимида иштирок этдилар.

Меҳмонлар бутун дунё маданият арбобларининг муборак қадамжоларига айланган муқаддас Самарқандда юбилей баҳона халқимизнинг тинч ва осуда, озод ва обод бўлиб яшаётганларининг гувоҳи бўлдилар. Шунинг учун ҳам Президентимиз ўз нутқини қуйидагича якунлайди:

"— "Шу заминнинг ва шу заминда яшаётган халқимизнинг умри ва бахту саодати боқий бўлсин!

— Юртимизни ёмон кўздан, бало-қазодан асрасин!

— Ер юзининг сайқали аталмиш жаннатмонанд Самарқанд шуҳрати бундан ҳам зиёда бўлсин!

— Мирзо Улуғбекнинг тафаккур юлдузи бундан буён ҳам бошимиз узра ёрқин порлаб туравергин!

— Меҳнаткаш ва пок ниятли халқимиз мурод-мақсадига етсин!"

Иншоолоҳ, шундай бўлсин!

ЙИЛЛИК РЕЖА БАЖАРИЛДИ

АРНАСОЙ туманидаги "Туркистон" ширкатлар бирлашмаси меҳнаткашлари биринчи теримдаёқ йиллик режани уддаладилар ва давлат қабул пунктига 230 тонна аъло толали пахта етказиб бердилар. Хўжаликнинг М. Мансуров, Э. Норов бошлиқ бригада аъзолари эса йиллик режани 130-140 фоизга бажардилар. Пахта теришда С. Жавхонов, Б. Жовтинов, Х. Зокировлар бошқаларга ўрнак кўрсатиб ишлаяптилар.

Хўжалик пахтакорлари ҳосилдорликни гектарига 30 центнерга етказишга, яна давлатга 230 тонна пахта беришга азму қарор қилган ҳолда меҳнат қилишмоқда.

***

ШУНИНГДЕК Жиззах туманидаги Бобо Файзиев номли ширкатлар бирлашмасида фаолият кўрсатаётган "Лочин" деҳқон-фермер хўжалиги жамоаси ҳам ғалаба маррасига биринчилар қаторида етиб келди ва давлат қабул пунктига 24 тонна сара пахта топширди. 10 гектар'ерда мўл пахта ҳосили етиштирган Рустам Ўтабоев бошлиқ ушбу деҳқон-фермер хўжалиги жамоаси яна давлат қабул пунктига 10 тонна оқ олтин етказиб бермоқчи.

Алибой ЭРГАШЕВ,
"Ишонч" мухбири.

"ОҚ ОЛТИН — 94"

МЕХАНИЗАТОРЛАРГА МУКОФОТЛАР

Наманган вилояти касаба уюшмалари кенгаши фақатгина фуқароларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилибгина қолмай жонажон Ўзбекистонимиз истиқлолини мустаҳкамлаш курашини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чораларини кўрмоқда. 1994 йил пахта ҳосилини жадал териб олишда ўрнак кўрсатаётган механизаторларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган эсдалик совғалари шулар жумласидандир. Кенгаш ҳайъати қарорига биноан мавсумда энг кўп ва сифатли пахта терган механизатор ушбу совғанинг эгаси бўлади. Мукофот билан бирга ғолибларга вилоят касаба уюшмалар кенгашининг Фахрий ёрлиғи топширилади.

О. ЖУМАНАЗАРОВ.
"Ишонч" мухбири.

ХАБАРЛАР МАҒЗИ

• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов МДҲга аъзо давлатлар раҳбарларининг Москвадаги мажлисида иштирок этмоқда. Олий даражадаги бу учрашувнинг кун тартибидан мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар ўртасида интеграцияни янада ривожлантириш, фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигини байрам қилиш тадбирларини ташкил этиш, МДҲнинг низомий ташкилотлари киритган бошқа муҳим масалалар ўрин олган.

• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг Фармонига биноан Акмал Холматович Саидов Ўзбекистон Республикасининг Франция республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланди ҳамда унга Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси дипломатик мартабаси берилди.

• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов Швейцариянинг "АББ" компанияси президенти П. Барневик ҳамда шу компаниянинг Марказий Осиё ва Қозоғистондаги ваколатхонаси раҳбари К. Маккартинини қабул қилди.

• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэминнинг таклифига мувофиқ шу йил 24—26 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлади.

• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамасида республика истеъмол бозорини моллар билан тўлдириш ва аҳолига савдо хизматини яхшилаш ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлди. Унга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислик қилди.

• РЕСПУБЛИКА Вазирлар Маҳкамасида Абдулла Қодирийнинг 100 йиллик юбилейини ўтказиш ташкилот қўмитасининг йиғилиши бўлди.

• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Марказий банки томонидан сўмни эркин муомаладаги валютага алмаштиришга имтиёзли ҳуқуқ патентлари бериш тартиби белгиланди.

• САМАРҚАНДДАГИ Ўзбекистон халқлари тарихи ва маданияти музей-қўриқхонасида Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кўргазма очилди.

• РЕСПУБЛИКА Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг "Узэкспомарказ" савдо кўргазмаси марказида "Компьютер ва Марказий Осиёни коммуникациялаш-94" халқаро кўргазмаси ишлаб турибди.

• ЎЗБЕКИСТОН ва Тожикистон халқларининг дўстлик ва биродарлик алоқаларини тараннум этиб келаётган "Овози тожик" газетасининг республикамизда чоп этила бошланганига 70 йил тўлди.

Дастур ва Низом лойиҳалари—муҳокамада

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИНГ БОШ МАНБАИ

Касаба уюшмалари Навоий вилояти кенгашининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида шу куннинг энг долзарб масалалари муҳокама қилинди, таҳлил этилди ва бу масалалардан келиб чиқадиган муаммоларни ҳал этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисда касаба уюшмалари вилоят кенгашининг раиси С. А. Махнёва "Турли тарздаги иқтисодиёт ва бозор муносабатлари шароитида Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда таркибий тузилишини қайта ташкил этишда вилоят касаба уюшмаларининг вазифалари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг ҳаракат Дастури ва Низоми лойиҳаси тўғрисида" маруза қилди.

Шунингдек мажлисда вилоят касаба уюшмалари кенгаши ижтимоий суғурта бўлимининг мудири Н. Хўжақуловнинг "Республикамизда ўтказилаётган ислоҳотлар шароитида меҳнаткашларни соғломлаштириш ва ижтимоий суғурталаш соҳасида вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятларининг асосий йўналишлари ҳақида"ги ахбороти тингланди.

Маруза ва ахборот юзасидан бўлган музокараларда маҳаллий саноат, коммунал хўжалик ва маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Нурота тумани қўмитасининг раиси А. Суннатиллаев, автотранспорт ва йўл қурилиши ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси А. Шокиров, вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси В. Нам, Навоий цемент заводи сиҳатгоҳи бош ҳакими Ш. Шарипов, маданият ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси раиси Т. Хидоятова, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси раиси Д. Воҳидов, Навоий шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари ҳудудий қўмитаси раиси С. Жабборов, касаба уюшмалари вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Н. Тўхтаев сўзга чиқдиар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раиси Х. Б. Жамолов мажлисда иштирок этиб, касаба уюшмалари олдида турган вазифалар ҳақида гапирди.

Мажлисда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А. А. Алимқулов қатнашди.

Ризо ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ишонч" мухбири.

САФЛАРНИНГ МУСТАҲКАМЛИГИ УЧУН

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши VIII Мажлисининг турли тарздаги иқтисодиёт ва бозор муносабатлари шароитида Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш ва таркибий тузилишини қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори асосида айрим тармоқ касаба уюшмалари тизимини ўзгартириш, хусусан аввал бирга ишлаган соҳаларни бирлаштириш бўйича амалий ишларга киришилаяпти.

Ўзбекистон ўрмончилик соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг бўлиб ўтган V мажлисида худди ана шу масала кўрилди.

Мажлисда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси Т. Х. Собитов сўзлаган нутқида кенгаш қароридан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида тўхталиб, ҳозирда республикада мавжуд бўлган 25 та касаба уюшмалари тармоғини камайтириш, уларни йириклаштириб, сафларини жипслаштириш учун кўрилаётган тадбирларни тавсифлаб берди. Атиги 20 минг кишидан иборат ўрмончилик тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси аввал агросаноат мажмуи билан боғлиқ ўрмончиликда ишлайдиган 6 минг кишини, "Ўздавлатқурилишёғоч" ишлаб чиқариш саноатидаги 3 минг кишини, мебельсозлик соҳасидаги 13 минг ишчи ва хизматчини сунъий равишда бирлаштириб барпо этилган эди. Уларни ўша аввалги ташкилотларига қайтаришни кундалик ҳаёт тақазо этаяпти.

Т. Х. Собитов ҳозирги ўрмон соҳалари ходимлари касаба уюшмаси аъзоларини агросаноат, қурилиш ва қурилиш ашёлари, маҳаллий саноат, коммунал ва маиший хизмат ходимлари касаба уюшмалари сафига ўтказишни таклиф қилди.

Мажлисда кўрилган масала бўйича тармоқ касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси П. Н. Нурмирзаев, раис ўринбосари Р. Х. Любинская, "Тошкентмебель", Тошкент ёғочсозлик ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда Қўқон ўрмон хўжалиги касаба уюшмалари қўмиталарининг раислари В. И. Христич, С. М. Гарифова, Ё. Юнусов сўзга чиқдилар. Улар кенгаш қароридан қониқиш ҳосил қилиш билан бирга Ўзбекистон касаба уюшмалари янги ҳаракат Дастури билан Низоми лойиҳаларини маъқулладилар.

Мажлис қарорига биноан мазкур тармоқ касаба уюшмаси 1994 йилнинг 1 декабридан тарқатилади. Тармоқ касаба уюшмасини қайта ташкил этилиши муносабати билан унинг Марказий Қўмитаси 31 декабрдан эътиборан тугатилади, аъзолик ташкилотларининг ваколатлари ҳам ўша кундан бошлаб туғаган деб ҳисобланади. Соҳанинг касаба уюшма аъзолари агросаноат, қурилиш ва қурилиш ашёлари, маҳаллий саноат, коммунал хўжалик ва маиший хизмат ходимлари касаба уюшмалари сафига ўтадилар.

Мажлисда Ўзбекистон маҳаллий саноат, коммунал хўжалик ва маиший хизмат корхоналари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси А. И. Рахимов, қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитаси раиси Н. Я. Жарова иштирок этдилар.

Тожибой АЛИМОВ,
"Ишонч" мухбири.

МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Тошкент шаҳар агросаноат ходимлари касаба уюшмасининг бўлиб ўтган ҳисобот конференциясида йиғилганлар тармоқ қўмитаси раиси Н. О. Умарованинг ҳисобот маърузасини ишчанлик билан муҳокама этдилар. Маърузачи республикада рўй бераётган иқтисодий ўзгаришлар Ўзбекистон касаба уюшмаларининг фаолияти билан чамбарчас боғлиқлигини уқтириб, шаҳар тармоғида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимояси борасида қилинаётган ишларни чуқур таҳлил этди. Бугунги кунда тармоқ касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитаси таркибига 47 ярим мингдан ортиқ касаба уюшма аъзолари бирлашган бўлиб, улар 336 корхона ташкилот ва муассаса бошланғич касаба уюшма ташкилотлари сафида турадилар. Жойлардаги касаба уюшма фаолиятларини 3 та бирлашма касаба уюшма қўмиталари, 362 та бошланғич, 213 та цех касаба уюшма қўмиталари ва 647 та гуруҳлари амалга оширяптилар.

Нотиқ ҳисобот даврида иш режасига мувофиқ равишда қўмитанинг 12 та мажлиси ва 28 та раёсат йиғилиши ўтказилганлигини айтиб, уларда касаба уюшмасининг асосий йўналишларига тегишли масалалар кўриб чиқилганлигини таъкидлади. Мажлис ва Раёсат ташкилий тизимни мустаҳкамлаш масалаларига, бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг роли ва нуфузини оширишга алоҳида эътибор бериб келди. Ҳисобот даврида бошланғич касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ўз ваколатларидан моҳирона фойдаландилар. Уларнинг жойларда меҳнат жамоаларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларига риоя қилиш устидан назорати сезиларли даражада ўсди. Унга жорий йилнинг май-сентябрь ойларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов компаниясининг натижалари далил бўла олади. Унинг фарқли ҳусусияти шундан иборатки, мажлис ва конференцияларда касаба уюшмаси аъзолари томонидан қўмиталарининг муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечишдаги роли тўғрисида ўткир ва қизиқарли саволлар қўйилди, қўмиталарнинг ишлари танқидий таҳлил қилинди.

Илгари касаба уюшмалари ишчилар манфаатларини акс эттирган ҳолда ойлик иш ҳақларини оширишни ўзларига очиқ мақсад қилиб қўяр ва буни ишлаб чиқаришга ҳар доим ҳам боғламас эдилар. Эндиликда мақсадни амалга оширишда айнан ишлаб чиқариш билан, унинг самарадорлиги билан, келтираётган фойдаси билан қизиқаяптилар. У ўз навбатида маъмурият ва хўжалик раҳбарлари билан бирга ижтимоий ҳамкорликнинг тенг ҳуқуқли муносабатларини ўрнатишга интилишда кўринаяпти. Бундай муносабатларни амалда жамоа шартномалари, маъмурият ва касаба уюшмалари орасида тузиладиган меҳнат муҳофазаси бўйича битимлар мустаҳкамлайди.

Маърузачи жамоа шартномаларига таянган айрим корхоналарда иш ҳақлари минимал маошдан 6-8 баробар кўплигини қониқиш билан таъкидлади. Тармоқ корхоналарида кам даромадли оилаларни, кўп болали оналарни, ногиронларни, уруш қатнашчиларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун маблағлар ажратилаётганлигини, меҳнаткашларга заруриш шароитлари яратилаётганлигини, ишчилар махсус кийим бош ва парҳез таомлар билан таъминланаётганлигини далиллар асосида исботлаб берди. Тармоқ меҳнаткашлари ҳамда уларнинг болаларини соғломлаштириш бўйича ҳисобот даврида қилинган ишларни мамнунлик билан қайд этди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерециясига бирлашган касаба уюшмаларининг янги ҳаракат Дастури ва Низоми лойиҳаси ҳақида тўхталиб, бу ҳаётбахш ҳужжатларни бошланғич касаба уюшмаси қўмиталари ҳамда касаба уюшма аъзолари қизғин ўрганиб муҳокама қилаётганликларини айтди. Бу ҳужжатлар касаба уюшмаларининг ташкилий, ҳуқуқий негизини мустаҳкамлашга, унинг жамиятдаги ўрнини оширишга талайгина имкон туғдиради — деди у.

Конференцияда маруза юзасидан бўлган музокараларда Тошкент тамаки фабрикаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси Г. С. Лебедева, Ёғ-мой комбинати касаба уюшмаси қўмитаси раиси М. З. Зуфаров, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори С. И. Ибодуллаев, булка-қандолат комбинати директори Ф. Л. Маликов, Тошкент мусоҳибият техникумининг 3 курс талабаси Н. Алигасова, "Ўзқишлоқхўжалик" таъминот таъмирлаш нақлиёт тижорат бирлашмасининг бўлим бошлиғи К. Н. Хошимов сўзга чиқдилар. Улар қўмитанинг ҳисобот даврида фаолиятига баҳо бериб, асосан маъқулладилар. Янги Дастур билан Низом лойиҳалари ҳақида ўзларининг қимматли фикрларини билдирдилар.

Конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерецияси кенгашининг раиси Х. Б. Жамолов нутқ сўзлади.

Конференция ишида кенгаш раисининг биринчи ўринбосари, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси Т. Х. Собитов, унинг ўринбосари В. М. Қўчқоров, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг раиси О. Ш. Сафоев, матлубот ширкати, умумий овқатланиш ва савдо ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси К. Н. Комилова, Ўзбекистон Республикаси "Озиқ-овқат" концерни раиси Н. И. Хамидов қатнашдилар.

Шаҳар агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг янги таркиби сайланди. Н. О. Умарова қўмита раислигига яна муносиб деб топилди.

"Ишонч" мухбири.

ҲАЛ ЭТИЛМАГАН МУАММОЛАР ҚОЛМАСИН

— Конференциямиз бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, ўтмоқда,— деди қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси раиси Т. Давлатов XVI конференциясида маруза қилиб — бундай вазиятда касаба уюшмалари зиммасига меҳнаткашлар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш бўйича катта масъулият сезамиз. Ҳаммани иш билан таъминлаш, меҳнат ва ҳордиқ олиш учун қандай шарт-шароитлар яратиш мумкин? Кўплаб муаммоларни ҳал этиш учун қаердан маблағ топиш керак? Шу ва шу каби кўплаб саволлар касаба уюшма фаолларини қизиқтиради...

Маърузачи ва маруза юзасидан музокарага чиққан нотиқлар ҳисобот даврига танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ёндошдилар, талабчанлик билан ҳисобот даврига баҳо бердилар.

Ҳисобот даврида 13 мажлис, 28 марта вилоят каасаба уюшмаси қўмитасининг раёсати ўтказилиб ишлаб чиқариш оммавий ва ташкилий, меҳнат ва техника муҳофазаси, ижтимоий суғурта, меҳнаткашлар маиший, ҳордиқ ва бошқа кўплаб масалалар муҳокама этилди. Қабул қилинган қарорларнинг ижроси устидан қатъий назорат ўрнатилди.

Касаба уюшмалари қўмиталарининг илғор тажрибаларини мажлис раёсатида кўриб чиқиш ва уларни кенг оммалаштиришга алоҳида эътибор берилди. Бекобод цемент комбинати, Чирчиқдаги 160-қурилиш трести, Ангрен кулолчилик комбинати, "Бекободцементтаъмир" кичик корхонаси ва бошқа хўжалик ташкилотлари касаба уюшмалари қўмиталари тажрибалари оммалаштирилди.

Лекин тармоқда шундай вилоят касаба уюшма ташкилотлари ҳам борки, улар бозор иқтисодиётига ўтиш даврида турли масалаларни эски усуллар билан ҳал этишга уринмоқдалар. Мажлисларга қўйилган масалалар етарли ўрганилмайди, унга тайёргарлик кўриш комиссия аъзолари, доимий тафтишчилар жалб этилмайди. Бундай мисолларни "Ўзбекшахтақурилиш", "Оҳангарон "Сантехлит" заводи, 7-автотранспорт корхонаси, "Олмалиққўрғошинқурилиш" ва бошқа хўжаликлар касаба уюшмалари қўмиталари фаолиятидан келтириш мумкин.

Маълумки, вилоят конференциясидан олдин жойларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари бўлиб ўтди.

Йиғилиш ва конференцияларда касаба уюшма аъзоларининг 88,2 фоизи қатнашди. Ангрен қурилиш материаллари комбинати ҳисобот-сайлов конференциясида вакиллар касаба уюшма қўмитаси ва унинг раиси А. Сивенковага ишончсизлик билдирдилар, касаба уюшма қўмитасининг иши қониқарсиз деб топилди ва илгариги таркибдагилардан биронтаси янги уюшма қўмитасига сайланмади.

Ангрендаги 7-автокорхонада вакиллар меҳнат қонунчилиги ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга етарли эътибор бермаганлиги учун касаба уюшмаси қўмитасига қатор танқидий фикрлар билдиришди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, меҳнаткашларнинг жамоа шартномаларини тузишга қизиқишлари кейинги йилларда 1,5-2 баробарга ошди.

"Олмалиққўрғошинқурилиш" трестида 1994 йил жамоа шартномаси лойиҳасига тайёргарлик даврида ишчилардан 17 та таклиф тушди. Улардан 6 таси тезлик билан амалга оширилди, қолганлари эса жамоа шартномасига киритилди. Касаба уюшмаси ташаббус кўрсатган кўпгина корхоналарда меҳнат шароити, транспорт, овқатланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, қурилиш материаллари сотиб олиш, даволанишга моддий ёрдам кўрсатиш каби қўшимча моддий кўмаклар жамоа шартномаларига киритилди.

Тармоқдаги корхона ва ташкилотларда касалликлар содирлиги туфайли кўпгина ходимлар ишга чиқмайди. Касалликнинг кўпайишига асосий сабаб меҳнат шароити, профилактик ишларнинг талаб даражасида эмаслигидир. Кўп корхоналарда ҳаво чиқитқи ва газлар билан ифлослашган. Санитария меъёрларига жавоб бермайдиган техникалар ишлатилмоқда. Натижада ҳар йили касб касаллиги кўпаймоқда. Тошкент қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бирлашмаси, Олмалиқ қурилиш материаллари комбинати, "Ўзбекшахтақурилиши", Тўйтепа металлконструкциялари заводида ходимларнинг касалланиш даражаси юқори бўлиб қолмоқда.

Ҳозирда тармоқда 7 та санаторий-профилакторий фаолият кўрсатмоқда. 160-қурилиш трести "Олмалиққўрғошинқурилиш" трести, "Оҳангаронцемент" ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ангрен кулолчилик комбинати санаторий-профилакторийлари ишидан меҳнаткашлар жуда мамнун. Идорага қарашли бундай соғлиқни сақлаш муассасаларида 36411 киши даволанди ва ҳордиқ чиқарди.

Тармоқда 7 та болалар соғломлаштириш оромгоҳи бўлиб, ижтимоий суғурта ҳисобидан 197 миллион сўм-купонга яқин пул сарфланди. 24000 ўғил-қиз соғломлаштирилди.

Меҳнат шароити ва чор-атроф муҳофазаси масалаларини ҳал этиш қатор корхоналарда муаммолигича қолмоқда. Кўпгина корхоналар ва ташкилотларда меҳнат шароитини яхшилашга ажратилаётган маблағлар етарли эмас, бахтсиз ходисанинг содир бўлиши ташвишлантирмоқда. Айрим касаба уюшма қўмиталари дадиллик билан ишга ёндоша олмаяптилар.

Текширилганда тўққиз минг хил қоида бузарлик аниқланди. Ҳисобот даврида 95 раҳбарга жарима солинди. Техник нозирлар таклифи билан 21 киши лавозимидан бўшатилди.

Маруза юзасидан сўзга чиққан 16-кўчма механизациялашган колонна чилангари В. Холматов, "Оҳангарон шифер" корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси О. Хушназаров, Ангрен уй қурилиши комбинати касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Н. Кицунова, 160-қурилиш трести санаторий-профилакторийси бош шифокори Э. Аваздурдиев ва бошқалар меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш даражаси меҳнат шароитини яхшилаш, раҳбарларнинг меҳнат қонунчилигига риоя қилишлари устидан қатъий назорат ўрнатиш, санаторий-профилакторий, болаларни соғломлаштириш оромгоҳларининг фаолият кўрсатишини яхшилаш, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, уруш ва меҳнат фахрийларига, ногиронларга моддий ва маънавий кўмак бериш ва бошқалар хусусида таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Конференцияда Республика қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси Ш. У. Ёқубов ва Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши раиси Д. Н. Жаҳонгирова нутқ сўзлашди.

Конференцияда Республика қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ходимлари касаба уюшмаси III съезди ва вилоят касаба уюшмалари I уюшмалараро конференциясига вакиллар сайланди.

Конференцияда Тошкент вилояти қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати касаба уюшмаси қўмитасининг янги таркиби сайланди. Т. Давлатов вилоят тармоқ қўмитаси раиси этиб қайта сайланди.

Б. ПЎЛАТОВ,
Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши матбуот маркази мудири.

Биздан сўрабсиз

Саволларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳуқуқ бўлими мудири Ҳамидулла ПРИМҚУЛОВ ва шу бўлим ҳуқуқшуноси Надежда ЕФИМОВА жавоб берадилар.

Меҳнат дафтарчам жуда эскириб кетган. Кейинги ишхонамдан бўшаётганимда янгисини ёзиб беришни илтимос қилгандим, "бу жуда қийин масала, янгиси йўқ", дейишди. Ўзбекистон фуқаросининг меҳнат дафтарчаси бўлиши кўзда тутиляптими?

С. ҚАМБАРОВ,
Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси меҳнат Вазирлигининг мутахассислари тегишли иш олиб бормоқдалар. Яқин даврда кутилган натижага эришишимиз муқаррар.

1. Шу йил бошидан хусусийлашган сартарошлик дўкони билан пойабзал таъмирловчи устахона ходимлари пул ишлаш дардида кундалик иш режимини ўзларича узайтириб, 8 соат ўрнига 10-12 соатлаб меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг бу ҳаракати қонунда белгиланган 8 соатлик иш кунининг бузилишига олиб келмайдими, меҳнат тўғрисидаги қонунга хилоф бўлиб тушмайдими?

2. Якка тартибдаги меҳнат тарзида сартарош билан пойафзал таъмирловчининг ойлик ўртача иш ҳақи ёки даромадини ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди. Улар ҳеч кимга ҳисоб беришмайди. Хўш, улардан қанчадан касаба уюшмаси аъзолик бадали олиниши керак. Ким орқали тўлашади. Улардан ҳам даромад солиғи, пенсия жамғармаси бадали олинадими? Буни ким назорат қилади?

З. ЎНГБОЕВ,
Самарқанд шаҳри.

1. Хусусийлаштирилган сартарошхона ёки пойафзал таъмирлаш устахонасида мулкдор якка тартибда меҳнат фаолияти билан банд бўлса, иш куни, иш ҳафтасини давомийлигини унинг ўзи мустақил белгилайди. Меҳнат ҳақидаги қонунлар эмас, балки тадбиркорлик, даромад солиқлари каби қонунлар тадбиқ этилади.

Мулкдор меҳнат шартномаси контракт асосида корхонада ўзга шахслар меҳнатини қўллаётган бўлса, мулкдор билан ходим ўртасидаги меҳнат муносабатлари амалдаги меҳнат ҳақидаги қонунчилик билан тартибга солинади ва ҳеч бир ходимнинг аҳволини ёмонлаштиришга ёки оғирлаштиришга йўл қўйилмайди.

2. Якка тартибда меҳнат фаолияти билан банд шахслардан тегишли қонунларга асосан мажбурий тўловларни солиқларни барчаси ундирилади. Касаба уюшмаси аъзолик бадалини ўз ихтиёри билан рўйхатга турган касаба уюшмаси қўмитасига тўлайди. Бадал миқдори даромад солиғи тўлаш учун белгиланган даромаднинг суммасидан фоиз ҳисобида олинади.,

Иккинчи гуруҳ ногирони ўз мутахассислиги бўйича ёки бошқа соҳада ишлаётган бўлса, иш даврида ёки таътил даврида ногиронлиги билан боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган бетобликка чалинса, унга даволаш муассасаси касаллик варақаси берадими?

Маҳмуд СОДИҚОВ,
Фарғона вилояти, Ёзёвон шаҳарча, Мустақиллик кўчаси.

Касаллик варақаси — ишдан вақтинча озод этилиш варақасидир. Шу боис лозим бўлган ҳолларда ҳар бир ишчи-хизматчига ногирон ёки ногирон эмаслигидан, ёхуд ўз мутахассислиги бўйича ишлаш ишламаслигидан қатъий назар, берилиши керак, шу жумладан меҳнат таътили даврида ҳам.

1992 йилнинг ноябрь ойидан ҳомиладорлик, ҳамда бола 1,5 ёшга тўлгунча унга қараш учун бериладиган таътилга чиққан эдим. 1993 йилнинг 1 декабридан ишга чиқдим. 1992-1993 ўқув йили учун бериладиган меҳнат таътилидан фойдаланилмай қолинган эди. 1994-95 ўқув йилидан олиб фойдалансам бўладими? 1993-94 ўқув йили учун меҳнат таътили берилди, холос. Агар фойдаланиш мумкин бўлса, иш ҳақи қандай тартибда тўланади?

Жангил ШОДИЕВА,
Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани, 46-мактаб ўқитувчиси.

Авваламбор шуни айтиш керакки, ходимларни туғиш таътилидан кейинги,. бола 1,5 ёшга тўлгунга қадар қисман ҳақ тўланадиган ва ҳақ тўланмайдиган таътил даври — йиллик меҳнат таътили олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига кирмайди.

Хатингизнинг мазмунидан келиб чиқиб, шуни айтиб ўтиш керакки, сиз 1992-93 ўқув йилида фақат етти ой сентябрь, октябрь, ноябрда ишлаган ойларингиз туғиш ва туғишдан кейинги давр — декабрь, январь, февраль, март ойлари учун таътил олиш ҳуқуқига эгасиз. Бу таътилдан сиз маъмурият билан келишиб, исталган вақтда фойдаланишингиз мумкин.

Иш ҳақига келсак, таътил кунлари учун тўланадиган ҳақ ҳисоб қилинаётган кундаги маош таъриф ставкага қараб ҳисоблаб чиқарилади.

Ота-онадан етим қолганман. Ҳозир ўгай онамнинг қўлидаман. Отамдан қолган машинани ўз номимга ўтказмоқчиман. Ўгай онам олдин машинани менинг номимга ўтказасан, кейин уни сенга совға сифатида тақдим этаман, дейди. Туман судига учраган эдим, улар ҳам шу маслаҳатни беришди. Шу тўғрими?

Адҳам ПЎЛАТОВ,
Наманган вилояти, Учқўрғон тумани.

Марҳум отангиз билан ўгай онангизнинг никоҳлари расмийлашган бўлса, отангиздан қолган барча мулкка, агар у васият билан ўзгартирилмаган бўлса ҳар иккалангиз ҳам тенг ҳуқуқда ворис ҳисобланасизлар ва бу меросни қабул қилиш автомобилни ўз номингизга расмийлашириш учун ворисларнинг ўзаро келишуви бўлиши керак. Келишувга эришилмаган тақдирда эса, мерос суд томонидан тасдиқланади.

Қаҳрамон онаман. Ҳозир пенсия олаяпман. Мен қандай имтиёзлардан фойдаланишим мумкин?

Ойимхон ЁРҚУЛОВА,
Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани, "Хумор" жамоа хўжалиги.

Амалдаги қонунларга кўра пенсионер қаҳрамон оналар газдан, электр қувватидан имтиёзли фойдаланишлари, ер солиғидан озод этилишлари кўзда тутилмаган.

Туман "Ўзсельхозхимия" идорасида ишлайман. Ёшим 56 да. Бизнинг соҳамиз ходимлари 55 ёшда имтиёзли тарзда пенсияга чиқиши мумкинми?

Неъматжон ТЎРАҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти, Булунғур шаҳри.

Барча ҳужжатларингиз билан туман ижтимоий таъминот бўлимига бориб, маслаҳат олишингизни тавсия этамиз.

Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги Қонунга биноан пахтакор ва тўқувчи аёлларнинг пенсияга чиқишларида имтиёзлар берилганмиш. У қандай имтиёзлар?

Саломат ҚОДИРОВА,
Жиззах вилояти, Мирзачўл тумани.

Шу йил 1 июлдан кучга кирган пенсия таъминоти тўғрисидаги Қонунда тўқувчи ва пахтакор аёлларнинг узлуксиз меҳнати қадрланиб, уларни муддатидан 5 йил аввал пенсияга чиқаришлари кўрсатилган. Пахтакор аёллар пахтачиликда узлуксиз ишлаб, деҳқончиликнинг шу соҳасида камида 25 йиллик меҳнат стажига эга бўлсалар, 50 ёшда пенсияга чиқадилар.

Тўқимачилик ишлаб чиқаришда 20 йил стажига эга бўлиб 50 ёшга тўлган аёлларга пенсия тайинланиши ҳам қонунда кўрсатиб ўтилган.

МИЛЛИЙ ТИЛИМИЗ - ҒУРУРИМИЗ

КЕЧА ВАТАНИМИЗНИНГ БАРЧА МЕҲНАТ ЖАМОАЛАРИДА, ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА, МАҲАЛЛАЛАРДА "ОНА ТИЛИ" КУНИ НИШОНЛАНДИ.

Давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши жамиятимизда муҳим ва туб ўзгариш бўлабошлаганининг ёрқин мисолидир. 1988 йил кузидан 1989 йил охиригача республика, вилоят радиолари, газеталари, турли мажлислар ва муҳокамалар учун оғзаки ва ёзма тарзда газета, журнал таҳририятларига саккиз юз мингта яқин таклиф ва мулоҳазалар юборилди. Бу хатларнинг кўпларини олис-яқин қишлоқлар, маҳаллалар ва меҳнат жамоалари номидан ўнлаб, юзлаб кишилар имзолаган эди. Мутахассисларнинг ҳисобича давлат тили тўғрисидаги Қонунни ёқлаб, ҳамма ўзбек тилини ўз она тили деб тан олиши тўғрисида фикр билдирганлар.

Халқнинг ўз тилига муносабати айни бир вақтда унинг ўзига ишончини намоён қилади. 1988-1989 йилларда халқимизнинг ўзбек тилини ҳимоя қилишга жону-дили билан киришгани келажагимизнинг буюклигига ишонч туғдирди.

Эски раҳбарият Давлат тили тўғрисидаги Қонунда ўтмиш моҳияти ва талабини сақлаб қолишга кўп марта интилиб кўрди. Лекин вазият янги раҳбарлар келгандан кейингина ўзгарди. Қонун лойиҳаси тубдан қайта ишланди. Матбуотда эълон қилинди. Унинг матни билан танишганларнинг чеҳраси очилди.

Ҳаётимизда янги давр бошланди. Миллий тилимизни янги чўққиларга кўтаришнинг қулай шароитлари юзага келди. Лекин ана шу шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланаяпмизми? Афсуски, бу саволга тўла ва ишонч билан жавоб беролмаймиз. Фикримча, кўп жиҳатдан боқибеғамликка берилиб, ўзбўларчиликка ташлаб қўйишлар устивор келмоқда. Ҳолбуки, Қонун билан унинг ижроси орасида талай масофа бор. Ҳозирги пайтда ҳар бир зиёли ўзининг давлат олдидаги, жамият олдидаги, шу жумладан ўзбек тили олдидаги бурчини англаб олиши ва уни изчиллик билан амалга ошириши лозим. Биринчи навбатда, миллий тилимизда эркин фикр юритишга, турли жумлаларни қийналмай тузишга ўрганишимиз зарур. Тўғри, ўзимизнинг асосий мақсадимизни аниқлаб олдик. Лекин илғор давлатларда ҳар бир зиёли, иқтисод, сиёсат, маданият соҳасида фаолият кўрсатувчи киши ўз она тилида беками-кўст сўзлашади. Шунингдек, 3-4 миллат тилида эркин сўзлаша олади. Бусиз инсон ўзини ҳозирги замоннинг илғор кишиси дейиши қийин. Бизлар эса фақат икки тилдагина аралаш-қуралаш қилиб гаплаша оламиз, холос. Бошқа тилни биламиз деганимиз билан барибир луғатсиз бажо келтиролмаймиз. Ҳар бир кишининг китоб жавонида "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" ва бошқа луғатлар туриши керак. Шу йўл билан янги сўзларни ўзлаштириш, луғат бойлигимизни ошириб боришимиз фарз, ҳам қарздир.

Давлат тили тўғрисида сўзлар эканмиз, яна бир жиддий масала — бу тилни бошқа миллатлар орасида тарғиб этиш ва тарқатишга аҳамият бериш зарур. Давлат тили тўғрисидаги Қонунда ўзбек тилини ўрганиш учун саккиз йил муддат белгиланган. Катта муддат. Аммо, масалага жиддий қарайдиган бўлсак, бу борада ўзгаришлар секинлик билан кетяпти. Нима учун? Юртимизда истиқомат қилаётган айрим миллат вакиллари борки, кўпинча йиғинлар, муҳокамалар, тантана, мажлисларда бўлаётган гап-сўзларнинг моҳияти ва мазмунини тушунмай ўлтиришади. Улар ҳурмати рус тилида гапиришга мажбур бўлиняпти. Аслида ана шу 10-11 фоизни ташкил қилган миллат вакиллари ҳам ўзбек тилини ўрганишга астойдил киришмоқлари лозим. Қолаверса, бизнинг ўзимиз ҳам уларга давлат тилини ўрганишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беришни кучайтирмоғимиз лозим. Давлат тили тўғрисидаги Қонун қабул этилгандан сўнг бир неча ойгача бу соҳада жонланиш сезилиб турди. Бора-бора хотиржамликка берилдик. Холбуки, давлат тили тўғрисидаги қонунда ҳар бир муассаса, корхона ва жамоа раҳбари ўз ташкилотларида махсус курс, тўгарак, уюшмалар ташкил қилишлиги айтилган. Бундай курс ва тўгарак республика бўйича етарли ташкил этилмаган. Баъзи жойларда пулли курслар очилган, бу эса Давлат тили тўғрисидаги қонунни бузишдир.

Давлат тили тўғрисидаги қонунни муваффақиятли бажариш учун турли русча-ўзбекча, ўзбекча-русча луғатлар, тил ўрганиш дарсликлари, қўлланмалар, яхши безатилган альбом ва рисолалар чоп этилиши шарт.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши республикамиз ҳаётида, халқимиз турмушида катта ижобий воқеа бўлганлиги ҳеч кимдан сир эмас. Кўп ишлар бажарилди. Аммо шу қаторда талай муаммолар ҳам пайдо бўлмоқда. Ана шуларни вақтида англаб, давлат тили мавқеини кўтаришга доим куч-эътиборимизни қарата борсак Ўзбекистонимизнинг ҳақиқатдан ҳам улуғ давлат бўлиб ривож топишига муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

Қўчқор ХОНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

Яқинда бўлиб ўтган сессияда Президентимиз ўтган уч йил ичида барча соҳаларда амалга оширилаётган ўзгаришларга баҳо берди ва жамиятни ривожлантириш бўйича йўлимизнинг тўғрилигини яна бир бор таъкидлади.

"...Бизнинг бугун эришган энг катта ютуғимиз, энг катта бойлигимиз – халқимизнинг ақл-заковати, унинг танлаган йўлимизга ишончи, мамлакатимизда ҳукм сураётган халқаро дўстлик, фуқаролар тотувлиги, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигидир" дейилди маърузада.

Ҳақиқатдан ҳам ҳуқуқий давлат қурилишида бир қатор зарур ишлар амалга оширилди. Хўш, ҳуқуқий давлатнинг асосий негизлари нимадан иборат?

Бу демократик асосда қабул қилинган қонунлардир. Ҳар бир давлатда фуқаролар ёки турли ташкилотлар, муассасалар ўртасида бўлмасин, қонун асосида амалга оширилсагина жамоат тартиби ўрнатилиши мумкин.

Ўтган уч йил ичида 180 тага яқин қонунлар қабул қилинди. Жумладан, "Олий Мажлис", "Ер ости бойликлари ҳақида"ги Қонунлар ҳам.

Бундан ташқари биринчи жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг қабул қилиниши ҳуқуқни муҳофаза этувчи ташкилот учун муҳим воқеадир, чунки бу қонунлар давр талабига жавоб бериб, жамиятимизнинг ривожланиши йўлида жиноятчиликнинг олдини олишда, жиноятчиларни қайта тарбиялашда ўз хизматини ўтайди.

Ҳуқуқий давлатнинг кейинги асосий негизи – бу қонунларнинг ижросини таъминлашдир, яъни қонунларнинг жамиятга хизмат қилишидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида "Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцион ва қонунларнинг устунлигини сўзсиз тан олинади, давлат, унинг органлари мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар" дейилган. Демак, қонун талаблари ҳаммага, барча фуқароларга тегишлидир.

Ҳуқуқий давлатнинг яна бир асосий негизи – ҳар қандай қонун бузилишларга қарши, уларни содир этган шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини поймол қилмасдан кураш олиб боришдир. Яъни қонунни ҳурмат қилмаган, унинг талабларини бажармаган ёки бузган шахс, эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар тегишли жавобгарликка тортилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралардан бири прокурорликдир. Прокурорлик зиммасига барча қонунларнинг бир хил ва аниқ бажарилиши устидан назорат қилишдек Конституцион вазифа юклатилган.

Ҳозирги кунда прокурорликнинг умумий тартибдаги назорати, асосан, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган.

Бу борада доим текширишлар олиб бориш ва аниқланган қонун бузилишларни бартараф этиш чора-тадбирлари амалга оширилади.

Ислом ЖАСИМОВ,
Республика прокурорлигининг умумий назорат бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

ҚАЛБАН СЕВИБ ҚОЛДИМ ЎЗБЕКИСТОННИ

Ўзбекистон учун жаҳон дарвозалари кенг очилди. Кўҳна "Ипак йўли"дан карвонлар қайта йўлга чиқди. Дунё халқлари билан борди-келди муносабатларимиз тикланиб, дўстона ҳамкорликлар мустаҳкамланаётир. Энг муҳими, халқимиз истиқлол аҳамиятини чуқур ҳис этмоқда. Ҳозирда республикамизда кўпгина чет мамлакатлар элчихоналари фаолият бошлаган. Яқинда мухбирларимиз Миср Араб Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси ахборот бўйича маслаҳатчиси Муҳаммад Магди ДАЙФ билан учрашдилар. У республикамизда бўлаётган ижобий ўзгаришларни алоҳида тилга олди.

— Жаноб Муҳаммад Магди, аввало, жонажон юртимиз ҳақида билдирган илиқ сўзларингиз учун катта ташаккур. Газетамиз орқали дил изҳорингизни "Ишонч" мухлисларига етказишдан бағоят мамнунмиз.

— Энг аввало, дўстона ташрифларингиз учун раҳмат. Ўйлаб кўрсам, Миср билан Ўзбекистоннинг муштарак жиҳатлари жуда кўп экан. Динимиз, аҳлоқ ва одобимиз, тўй маросимларимиз ва исмларимиз ўхшаш. Бу икки қардош халқ муносабатларининг илдизи жуда қадимий. Шарқнинг кўплаб буюк мутафаккирлари Туркистон тупроғида етишиб чиққан. Мутафаккир Имом Ал-Бухорий, математика фанининг даҳоси Муҳаммад Ал-Хоразмий ва фалакиёт илмининг юлдузи Муҳаммад Улуғбек Тарағай, Абу Райҳон Беруний, Баҳоуддин Нақшбанд ва Абу Али ибн Сино сингари алломаларнинг рисолалари ҳозир ҳам Миср дорилфунунларида қўлланма сифатида ўқитилиб келинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Миср Араб Республикасига қилган ташрифидан кейин икки томонлама дўстона ҳамкорлик янада ривожланди. Айни пайтда Мисрда ўзбекистонлик 200 нафарга яқин ёшлар таълим олишмоқда. Ўз навбатида мисрлик талаба ва аспирантлар Тошкентда таҳсил кўришяпти. Икки дўст мамлакат ўртасида ҳар томонлама фойдали алоқалар ривож топаётир. Масалан, Қоҳирадаги Айн Аш-Шамс дорилфунуни Бухоро давлат университети билан ўзаро алоқа боғлашган. Шунингдек, вазирликлар, ҳиссадорлик бирлашмалари, қўшма ва кичик корхоналар ўртасида ҳам фойдали ҳамкорлик йўлга қўйилаяпти.

Серқуёш Ўзбекистонни ўз она-Ватанимдек қалбан севиб қолдим. Бунинг боиси шу мўътабар заминда яшовчи халқнинг нафақат самимияти ва меҳмонновозлиги, балки юксак маънавият эгаси эканлиги ҳамдир. Дунёнинг бирор мамлакатида ҳам қадимда пойтахт бўлган тарихий 5 та шаҳри йўқ. Ўзбекистонда эса ўтмиш билан тиллашган пойтахтлар Самарқанд, Хива, Бухоро, Қўқон ва ниҳоят Тошкент сингари шаҳарлар савлат тўкиб турибди. Улар халқ маданиятининг нақадар юксаклигидан дарак беради. Мустақил бу давлатнинг табиий бойликлари, пахтаси, қоракўли, олтини ва қимматбаҳо тошлари уни юксак ривожланган давлатлар орасидан муносиб ўрин олиши учун қудратли асосдир. Ўзбеклар ҳам мисрликлар сингари меҳнаткаш ва ориятли халқ экан. Шунинг учун ҳам азим Тошкентга келган ҳар бир азиз меҳмон унинг ҳусни жамолини кўриб мафтун бўлади. Истиқлолга эришган ўзбек халқи ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилаётганининг гувоҳи бўлади. Ўтмиш маданияти бой, асрий қадриятларга эга бўлган маҳаллий халқ араб маданияти билан ҳам қизиқаётганлигини кўриб, шодлигимга шодлик қўшилди.

— Юртдошларимизнинг араб маданиятига юксак эҳтиром билан қараётганлигининг гувоҳи бўлаяпсиз. Шу ўринда Жаноб Магди, ўзбек ўқувчиларига Миср мамлакати ҳақида қисқача маълумот берсангиз.

— Бажонидил. Сизлар араб маданиятига қизиққанингиз сингари мен ҳам ўзбекчани ўрганишга астойдил ҳаракат қиляпман. Тез орада ўзбек тилида мулоқот олиб бориш орзуим бор. Миср тўғрисида эшитгандан кўра, бориб кўрган маъқул. У ерда ҳам хусусийлаштириш жараёни фуқаролар манфаатини кўзлаган ҳолда олиб борилмоқда.

Бизда кичик сармоядор муассасаларга эътибор юқори. Ҳозир бундай корхоналарнинг сони сўнгги икки йил мобайнида яна 328 нафарга кўпайди. Улар аҳолига саноат, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ҳамда сайёҳлик соҳасида фаолият кўрсатишяпти. Мисрда пахта ва буғдойнинг табиий офат ва турли ҳашоратларга чидамли серҳосил навлари яратилган. Мамлакатда жами 58 миллион, биргина Қоҳиранинг ўзида эса 15 миллион аҳоли яшайди.

Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида нефть тўловлари 778 миллион доллар ошиғи билан қопланди. Табиий газ ва газ маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса 5 миллион 680 минг тоннага етди. Айни чоғда корхоналарда 12 миллион 975 минг тонна хом ашё қайта ишланди. Яна шуниси эътиборга моликки, Қизил денгиз ва Ўрта ер денгизи қаъридаги маржон ва сув ўтларидан малҳам тайёрлаш йўлга қўйилаётир. Уларнинг ҳатто ракни ҳам даволай олиши амалда исботланди. Бу борада Миср денгизшунослик институти илмий изланишлар олиб боряпти. Кемасозлик саноати ва балиқчилик ҳам яхши ривожланган соҳалардир.

Яқин кунларда Тошкентда Миср маданият марказининг очилиши кутиляпти. Бу хайрли ишнинг йўлга қўйилиши юртдошларингизга мамлакатимиз ҳақида яна ҳам бой маълумотлар беради.

— Жаноб Магди, энди касаба уюшмалари ҳақида сўз юритсак. Мисрда уюшманинг мамлакат тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти қандай?

— Касаба уюшмалари мамлакатни бошқаришда, меҳнаткашларга моддий ва маънавий кўмак беришда ҳукуматга яқиндан ёрдам кўрсатаяпти. Аъзоларининг сони анчагина. Сизда ҳам касаба уюшма аъзоларининг сони 8 миллионга яқин экан. Бу унинг ниҳоятда қудратли жамоат ташкилоти эканлигидан далолатдир. Биз Ўзбекистон касаба уюшмаларининг ҳукуматга елкадош бўлиб, турли эҳтиросларга берилмай мамлакатда тинчлик ва тотувликка эришишда, бозор шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялашда, иқтисодиётни ривожлантиришда фаол иштирок этаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Қолаверса, буларнинг ҳаммаси Президент Ислом Каримов олиб бораётган оқилона, халқчил сиёсатининг самарасидир.

Миср касаба уюшмалари ташкилоти ҳам аҳолига меҳнат қилиш учун зарурий шарт-шароитлар яратиб беришда меҳнаткашларнинг истак ва талаблари билан ҳукуматни ўз вақтида воқиф қилиб, улар манфаатларини кўзлаб келаяпти. Бундан ташқари бизда ишчи кучлари ва аҳолини иш билан таъминлаш вазирлиги ҳам мавжуд. У мамлакат ташқарисида ва ичкарисида аҳолига қўшимча иш ўринлари яратиш билан шуғулланади. Шу тариқа ҳам мамлакат хазинасига бир қадар чет эл валютаси келиб тушади. Қолаверса, хорижда ишлаётган юртдошларимиз бамисоли Мисрнинг ана шу мамлакатлардаги элчиларидир. Кўпинча бу шарафли вазифа зиёлилар зиммасига тушмоқда. Хорижда ишлаётганларнинг катта қисмини ўқитувчилар, шифокорлар, муҳандислар, олимлар ва журналистлар ташкил этади.

— Шу кунларда газетамиз учун республикамиз бўйлаб янги обуна давом этмоқда. "Ишонч" муштарийларига қандай тилакларингиз бор?

— "Ишонч" ҳамиша ўз номига муносиб бўлишига чин дилдан тилакдошман. Газетанинг ҳар бир сонини катта қизиқиш билан кутаман. Чунки унда оддий инсонлар ҳақида кўп ва хўп ёзилади. Келгусида садоқатли дўстлик, жонажон Ватан, умумбашарий қадриятлар, Ўзбекистон ва Мисрнинг истиқболи ҳақида янги-янги мақолалар ўқиш истагимни билдириб қоламан.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.

— Раҳмат.



Тараққиёт ва ишонч сари одимлаётган, ишчилар ва хизматчилар сингари аҳолининг муҳим қатлам манфаатларини ифодаловчи "Ишонч" газетаси таҳририятига энг самимий тилакларимни йўллайман.

Мисрнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ахборот бўйича маслаҳатчиси Муҳаммад МАГДИ ДАЙФ. 18.10.1994 йил.

Суҳбатдошлар: Акмал АКРОМОВ,

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ.

«ИШОНЧ» МУХЛИСЛАРИ ҲУЗУРИДА

ШУ КУНЛАРДА газеталарга 1995 йил учун обуна бўлиш ишлари ҳамма вилоятларда қизғин давом этмоқда. Шу муносабат билан Наманган ҳамда Андижон вилоятларида "Ишонч" газетаси кунлари бўлиб ўтди. Жуда кўп жойларда газета таҳририяти ходимлари билан учрашувлар уюштирилди.

ЖУМЛАДАН, Наманган вилояти "Шоҳи сўзана" ҳиссадорлик жамияти жамоаси билан бўлган учрашувда бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раисаси Замира Зокирова ташриф буюрган таҳририят вакилларига 1995 йил учун ҳозиргача қанча ишчи — чеварлар обуна бўлгани ва яна қанчаси ёзилиши ҳақида ахборот бериб, газета саҳифаларида ёритилаётган мавзулар, турли муаммоларни ҳал қилишга бағишланган материаллар ниҳоятда мазмундор ҳамда ранг-баранг бўлаётганлигидан мамнунликларини билдирди. Таҳририят бўлими муҳаррири, ёзувчи Жонрид Абдуллахонов, газетанинг вилоят мухбири Обиджон Жуманазаровлар корхона чеварларига газета олдида турган вазифалар, янаги йил режалари ҳақида сўзлаб бердилар. Ўзаро савол-жавоблар қизиди. Бирин-кетин сўз олган чеварлар — "Ишонч" барчанинг энг севимли маслаҳатгўйи, ҳамфикр, ҳамрози бўлиб қолганини изҳор қилдилар. Уларнинг ҳар бири янаги йилга ҳам обуна бўлишликларини билдирдилар. Корхона раҳбари Дилбархон Акромова энг илғор ишчилардан ўн беш нафари корхона ҳисобидан бепул обуна қилиниши мўлжалланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Худди шундай учрашув Наманган абрли газламалар тўқиш бирлашмасида бўлиб ўтди. Ниҳоятда шинам қурилган катта мажлислар зали газета мухлислари билан лиқ тўлди. Шунинг ўзи "Ишонч" кундан-кун обрў қозониб, ҳар жиҳатдан ўз ўқувчиларига маъқул бўлаётганидан далолатдир. Бўлим муҳаррири Жонрид Абдуллахонов ахборотини ва газета ходимлари янаги йили бу йилгидан ҳам яхшироқ хизмат қилиш билан материалларнинг ўқишли, сермазмун ва қизиқарлироқ, бўлишини эшитиб, талабчан мухлислари истагини қондирадиган даражадалигини таъминлаш учун бор куч-ғайратларини бахш этишлари, янги-янги ташаббуслар кўрсатиб ишлашга киришганликлари билан танишиб, завқланиб кетишди. Ҳар бирларининг ҳаяжон тўла сўзларидан газетани нақадар севиб ўқиётганликлари маълум бўлди. Шунингдек, айрим муаммоларни ҳал қилишга бағишланган материалларга эътибор кам бўлаётгани, баъзан муҳим мавзулар тўлақонли ёритилмаётганлигини ҳам эслатиб ўтдилар. Бирлашма Бош бошқарувчиси ўринбосари Маҳмуджон Мўминов ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида турмуш мураккабликларини енгиш ва бозор иқтисодиётининг эртанги кун учун аҳамияти тўғрисида таниқли олимларимизнинг мукаммалроқ фикр-мулоҳазаларини ёритишдан газета четда қолаётганлигини ҳам далиллашга уринди. Ишчи ва техник ходимлар Маърифатхон Абдураҳимова, Жавлонбой Абдуллаевлар эса турли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириб, аҳолини тўлақонли таъминлашнинг бориши, фуқаролар манфаатини ҳимоялаш масаласига боғлиқ материалларни кўпайтириш зарурлиги юзасидан мулоҳазалар билдиришди.

Бирлашма касаба уюшма қўмитаси раисаси Пазилатхон Сатторова "Ишонч"нинг 1995 йилдаги фаолиятига муваффақиятлар тилаб, унга камида юз нафар атлас тўқувчи обуна бўлиб, обуна ҳақининг эллик фоизи Бирлашма ҳисобидан тўланаётганлигини айтди.

Наманган шаҳар Аҳмад Яссавий номидаги тўлиқ ўрта мактабда икки ярим соатлик "Ёзувчи ва "Ишонч" дарси" уюштирилди. Юқори синф ўқувчилари ва ўқитувчилари иштирокида ўтказилган мазкур очиқ дарс ҳам асосан газетанинг аҳамияти, бугунги кундаги ютуқлари, қизиқарли чиқаётгани ва бошқа қатор масалаларга бағишланди. Ўзаро суҳбатлар, савол-жавоб ва қизиқарли баҳс, мулоҳазалар туфайли очиқ дарсга белгиланган муддат шунчалик тез ўтиб кетганлигини ҳам билмай қолдилар. Бу ўқувчилар, муаллим ва бошқа меҳмонларнинг фикр олишувларидан сезилиб турди.

Шунингдек, Қизил шарқ" маҳалласи, Заркент даҳаси аҳолиси билан бўлган учрашувлар ҳам ниҳоятда қизиқарли ва мароқли ўтди.

***

"ИШОНЧ" газетасига бағишланган махсус оқшом тадбири Андижон вилояти, Марҳамат туманида яқинидагина қад тиклаб, фаолият бошлаган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси санаторий-курортлар бошқармасининг сиҳатгоҳида тантанали тус олди. Улкан зал дам олувчи, сиҳатларини тиклашга келганлар ва барча ходимлар билан тўлди. Газета уч йиллик умри давомида барчанинг меҳр-муҳаббатини орттириб, иззат-икромини астойдил қозониб, энг яқин дўст, меҳрибон ҳамроҳ бўлиб қолганини айтишга ошиқарди ҳар ким. Газета саҳифаларидаги турли рукнлар остида чоп этилаётган қизиқарли лавҳалар ва ҳаётий муаммоларни ҳал этишга бағишланган долзарб фикрлар манзур бўлаётганидан тўлқинланишди. Айниқса, "Биздан сўрабсиз" рукни билан уюштирилаётган жавоблар жуда кўпларнинг жонига аро кираётир. "Адолат тарозиси", "Шарқ табобати", "Маънавий қадриятлар", "Хатлар — ҳаёт ойнаси" сингари рукнлар остидаги мулоҳазалар ҳам шу кунлар талабига монанд материаллардир. Бироқ, газетада танқидий материаллар камроқ чоғи. Иш бор жойда камчилик бўлади. Ана шу камчиликларни вақтида кўрсатиб турилганига не етсин. Камчиликларни бартараф қилиш чоралари ҳақида астойдил ўйланмас экан бизлар олға боролмаймиз.

Шу ва шунга ўхшаш қатор таклиф ва мулоҳазалар Наманган шаҳар ҳокимлиги, Наманган вилояти касаба уюшмалари қўмитаси, "Наманган ҳақиқати", "Наманган садоси" газеталари, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг Наманган вилояти бўлими, Андижон вилояти касаба уюшмалари бирлашмаси, "Андижоннома" газетаси ходимлари билан бўлган учрашув, суҳбатларда ҳам такрорланиб турди. Ҳар бир учрашув охири шеърхонлик, ғазалхонлик, баъзан эса куй-қўшиққа уланиб кетди.

Маърифатхон МАМАДАЛИЕВА,
Илҳомжон ОБИДОВ,
"Ишонч"нинг жамоатчи мухбирлари.

"Ишонч"га обуна давом этмоқда

ОБУНА-95

ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН

СП–1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ИШОНЧ» (нашр номи) 64560 (нашр кўрсаткичи)

газетасига ОБУНА

обуна сони

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. жойи 64560 (нашр кўрсаткичи)

«ИШОНЧ»

(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш	баҳоси баҳоси сўм	обуна сони

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР ОБУНАСИ УЧУН

Ф. СП–1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ИШОНЧ» (нашр номи) 64561 (нашр кўрсаткичи)

газетасига ОБУНА

обуна сони

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. жойи 64561 (нашр кўрсаткичи)

«ИШОНЧ»

(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш	баҳоси баҳоси сўм	обуна сони

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Хатлар - ҳаёт ойнаси

МАҲОРАТ МАНБАИ - МЕҲНАТ

Ҳар ниҳолнинг ўз шакл-шамойили бор, ўз кўрки, ранг-рўйи, меваси мавжуд. Ҳар меванинг таъми бўлакча. Таҳририятимизга келаётган беҳисоб хатлар ичида шеъриятга астойдил ҳавас қўйганларнинг машқлари, чизмалари ҳам борки, уларнинг ҳар бири мазмун ва шакл жиҳатидан бир-биридан ажралиб туради. Ёзилиш ва мазмунан ўзига хослик билан бир-биридан фарқ қилади. Энг муҳими, шеърлар ўз муаллифларининг адабиётга бўлган меҳри, озми-кўпми орттирган машқий тажрибаси, бадиий савияси, шахсий фикри теварагидаги воқеликларга муносабати, орзу ниятларидан ҳикоя қилади. Баъзиларини андак таҳрир қилиш, тузатиш билан чоп эттириш мумкиндай туюлади. Бироқ, тўғрисини айтиш керак, шеърларнинг аксарияти етарли даражада пишиб-етилмаганлиги, ҳали ўқувчи талабини қондирарли даражада эмаслиги, кутилган мақсад ёрқин акс этмаганлиги туфайли бизларни бироз ўйлантириб қўймоқда. Бугунги суҳбатимиз асосан худди ана шулар тўғрисидадир.

Кўпдан ушбу сатрлар муаллифига таниш, қатор шеърлари учун талабалик чоғларида бир неча бор маслаҳат олган, ҳозир эса А. Қодирий номидаги Жиззах педагогика институтида чет тиллар кафедраси мудираси бўлиб ишлаётган, филология фанлари бўйича доцент Шарофатхон Ботирова ўз ижодидан анча-мунча намуналар юборибди. Шеърларига илова қилган мактубида эса Виктор Гюгонинг шеърларини аслиятдан таржима қилиб, 1984 йили Ғ. Ғулом нашриётида "Оловранг уфқ", 1986 йили эса "Ёш гвардия" нашриётида "Бедорлик" номи билан китоб нашр этганлигини ёзади. Ҳозир ҳам навбатдаги тўплами тайёр турган эмиш. Бундай хушхабар билан танишган киши қувониб кетади. Кечагина "атак-чечак" шеър машқ қилиб юрган шогирдингнинг бугунги муваффақияти кимни севинтирмайди, ахир. Яна битта эмас, учта китобнинг муаллифи-я!

Газетамизда босиш учун тавсия этилган қатор машқларида ҳам теша тегмаган гаплар бор, фикрлари тиниқ, мисралари силлиқ, қофиялари жойида.

— Рақс тушаётган аёл, қай юртдан?
— Шодлик элидан, эркли макондан.
— Рақс тушаётган аёл миллати?
— Гўзаллик, нафосат унинг элати.
— Рақс тушаётган аёл гўзалми?
— Топиб бер ушбу дам ундан ўзарни.
— Ул аёл кўзлари қай рангда эрур?
— Тим қора ёниши гўёки биллур.

Унинг "Гўзаллик" сарлавҳали машқидан олинган юқоридаги парчада чинакам шеърий руҳ бор. Энг муҳими, рақс тушаётган аёлнинг образи, сиймоси яққол кўз олдингизда гавдаланади. Чиройли, ўйноқи иборалар, шакл-шамойили ҳам жойида. Булар шубҳасиз Шарофатхоннинг маҳорати ошганлигидан даракдир. Бу жиҳатдан эътироз йўқ. Лекин минг афсуски, мақсад аниқ эмас. Мақсад раққоса аёлнинг қайси элдану, қиёфаси қандайлигини тасвирлаб беришдангина иборат бўлиши керакмиди? Шу билан бирга андак мантиқсизликка ҳам йўл қўйилган. Зеро муаллиф биринчи тўртликда "Рақс тушаётган аёл қай юртдан"лигини сўраяпти. Миллатини билмоқчи. Аммо ўзи раққосани кўриб турибди-ку? Иккинчи тўртликда "Рақс тушаётган аёл гўзалми", "Ул аёлнинг кўзлари қай рангда"лигини сўрайди. Ёки кўзи ожизу, сезги ёрдамида раққоса маҳоратини ҳис қилмоқда-ю, қиёфасини эса ёнидагидан сўраяпти, деб ўйлайсиз. Дарвоқе, шундай бўлса, ўқувчига буни очиқ-ёруғ баён қилиш керак. Мабодо кўзи соғ экан "Тим қора ёниши гўёки биллур"лигини бировнинг оғзидан эшитишга на ҳожат?

Ҳаётида илоҳий некбин,
Дақиқалар бўлганда пайдо.
Энг аввало ўйлайди, лекин,
Ўз боласи ҳақида аёл.
Ҳосилидан айрилса боғи,
Бўшаб қолар бўлса чорбоғи.
Ой қуёшни кутар сўроғи,
Боласини ўйлайди аёл.

"Аёл" шеъри охиригача шу йўсинда давом этади. Бу шеър ҳам шаклан пухталиги билан эътирозга муҳтож эмас. Аммо муаллифнинг нима демоқчилиги аниқ эмас. Аёл боласини ўйлаши учун "Ҳаётида илоҳий некбин" (Бу нима дегани?), дақиқалар пайдо бўлишининг нима алоқаси бор? "Ҳосилидан айрилса боғи" муносабати билан чорбоғи бўшаб қолишини-чи? "Ой-қуёшни тутар сўроғи" дейиш билан муаллиф нимага ишора қилаётганлиги ҳам аниқ эмас.

Бармоқ вазнида ёзилган шеърда ҳар бир сўз, ибора шакл учун эмас, мазмун учун хизмат қилиши, биринчи мисра иккинчисини, иккинчиси учинчисини ва ниҳоят тўртинчисини тўлдириб, бойитиш билан ҳар бир тўртликнинг мукаммал бир бутунлигини ташкил қилиши, ўқувчига тўла тасаввур бериши зарур.

Анвар Аҳмедов халқ маорифи аълочиси, услубчи ўқитувчи, зоҳирадаги гвардия сержанти. Унинг таҳририятга юборган машқи "Ватанга садоқат руҳи" деб аталади. Бироқ, уч тўртликдан иборат шеърда ана шу руҳни кўрмайсиз. Вазн, ҳижо, туроқ, қофия сингари талаб қилинган қонун-қоидаларга риоя этмаган ҳолда садоқат руҳи у ёқда турсин, шеърий руҳни сезмайсиз. Шеър оддий сўзлар йиғиндисидан иборат бўлиб қолган.

Бўлмасанг чин ватанпарвар,
Йигит кишига иснод ва ор.
Ватан меҳрин ҳис қилмасанг,
Охир бўлурсан гадо, хору зор.

Ёки:

Ҳимоя не, бўлса тиканзор
Кўксинг қалқон қил, ол озор.
Агар истаса чин йигит,
Жонини анча фидо қилур.

Бу мисралар билан танишган газетхон бизнинг юқоридаги шарҳимизга қўшилса керак, деб ўйлаймиз. Худди шундай тарзда ёзилган Тошкент вилояти, Тошкент тумани, "Тошкент" жамоа хўжалиги, У. Келесбоев кўчаси, 3-уйда истиқомат қилувчи Иброҳим Имомалиев шеърлари, Самарқанд Давлат университети филология факультетининг 2-курс талабаси Феруза Тоғаева юборган "Қотилинг ким, болажон?", "Айрилдик", "Аччиқдир", "Севги мадҳияси" шеърлари ҳам қуруқдан-қуруқ баёнчиликдан иборат бўлиб қолган.

Хусусан шеър ҳақида, шеър ёзиш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида маълумотга эга бўлмай, маълум даражада тажриба орттирмай туриб, мантиқсиз мисраларни пала-партиш қофиялаш билан шеър, ёздим дейиш, уни чоп эттиришга ошиқишдан ўзни тийиб турмоқ маъқулроқдир. Чунки шоирликка астойдил ҳавас қўйган, ўзини униб-ўсмоққа даъват этган ҳаваскорнинг бундай чизмалари дафъатан бирон мутахассис назарига тушиб қолиши натижасида қаттиқ зарба ейиши, охир-оқибат "майиб"ланиб, ижоддан кўнгли паққос совиб кетиши ҳам мумкин. Шунинг учун тинмай машқ қилиб, маҳоратни тобора ошириш пайидан бўлиш маъқулроқдир. Маҳорат — бу ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш санъатидир. Санъат эса бетиним меҳнат талаб қилади. Ўқиш-ўрганиш, халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётини, талабини мукаммал билишнинг аҳамияти беқиёс. Ҳар ким шеър ёзиш маҳоратини ошириш учун фақат шеърий китоблар ўқиб юриш билангина чекланиб қолмай, балки "ҳаёт китобини ҳам ўқиши", устозлар таълимини олиши, кўпроқ адиблар даврасида бўлиши, уларнинг ўқиган шеърларининг шеърий оҳангларигача миясига қуйиб бориши лозим. Зеро, давримизнинг атоқли адиблари, ҳақиқий маҳорат эгалари ўз устозларининг меҳр қуёшига қониб, қайноқ адабий муҳит табиатидан муфассал баҳра олишлари натижасида вояга етганлар, элга танилганлар, иззат-икром қозонганлар.

Бизга ёзиб юборилаётган талай ёш қаламкашларнинг ижодий машқлари билан танишар экансиз, аксариятларида маҳорат етишмаслигидан ташқари ҳаёт ҳақиқатини яхши билмаслик, устоз кўриб шеър талаб қилган сабоқларга етарли эга бўлмаслик, энг муҳими, меҳнатдан қочишлик кўзга яққол ташланиб турибди.

Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани, Султонобод қишлоғилик Гавҳар Турдиева ўзи яшаб турган маскан ҳақида кўп ёзади. Ўша маскан табиатидан илҳомланади. Атроф-теварак кўркамлиги, борлиқ ҳусни-жамоли, латофатига қониб, умри беқиёс ўтаётганлигидан қувонганини изҳор қилишга уринади. Унинг "Кел, гулбаҳор" шеъри ҳам ана шу мазмунда. Лекин Гавҳархоннинг гўзал манзаралардан олган таассуротлари қоғозга тўла-тўкис тушмай ўз ичида қолиб кетади. Кўнглига инган ҳолатларга маълум даражада чиройли ифодалар, бўёқлар бериб безаш, кўрганларини аслидан ҳам яхшироқ, ёрқинроқ қилиб тасвирлашга нўноқлик қилади. Табиат кўринишларини инсоннинг ички олами, унинг кайфияти, умуман элимизнинг маънавий ҳаёти билан боғлаб тасвирлаш зарурлигини тушуниб етмайди ҳали.

Шу вилоят, Пастдарғом туманидаги 1-кечки ўрта мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси Мели Бобоқулов, Тошкент Давлат университети талабаси Муҳайё Аҳмедова, Рустам Эминлар ижодида эса анча-мунча маҳорат орттирганликлари сезилиб туради. Лекин уларда тантанавор оҳанларга берилиб кетиб, ҳаётдан олган таассуротлари, кечинмалари, фикрларини ифодалашда тасвир жимжимадорлигига ортиқча йўл қўйишлар кўриниб қолади. Уларнинг шеърларида мақсад бор, яхши ният бор. Аммо улар умумий тасаввур, тушунчалар билан чегараланиб қолиб, воқеликни бадиий умумлашмалар, далилларни бўрттиришга хизмат қилувчи бадиий воситалар, жонли образлар орқали ифодалашга етарли аҳамият бермайдилар.

Йигирманчи аср...
Эгилган мажнунтол қаддини ростлар,
Кўкка бўй чўзишни истади у ҳам.
Новдалар бўшанди, бўрон ҳали ҳам,
Озодлик туғин у кўтармас бардам.

дейди Рустам Эмин "Тилак" шеърида.

Ҳали айтганимиздек, унинг шеърларида ҳам мавзу аниқ, мақсад аниқ, аммо исботлаш, далиллаш етишмайди. Мисраларга дабдабали оҳанг бериш билан чегараланилгану кучайтириш ўрнига ижтимоий маъно жиҳатдан сусайтириб юборилган. Шеърда жарангдорликка интилиш яхши. Лекин мавхумликка берилиш яхши эмас. Чунки ўқувчи мавхумликни ёқтирмайди. Ҳаётий ҳодисалар тасвиридан йироқ дабдабаликни хуш кўрмайди. Унга соддалик, ойдинлик маъқул. Шу билан бирга рамзий воситалар ва сермазмун тимсоллар орқали инсон ҳаёти асосларини очиб бериш билан ўқувчининг диққатини тортиш мумкин.

Таҳририятимизга келаётган шеърий асарлар аксарияти ана шу ва шунга ўхшаш қатор камчиликлари туфайли чоп этилмаётган бўлса, узрлидир.

Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ.

Ҳурматли газетхон ! «Ишонч» газетасига обуна бўлишни истасангиз билиб қўйинг:

Якка тартибдаги обуначилар учун унинг йиллик обуна нарҳи 97 сўм 20 тийин (нашр кўрсаткичи—64560).

Корхона ва муассасалар учун эса бир йиллик обуна нархи 177 сўм 60 тийин (нашр кўрсаткичи—64561)

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг мухри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варакасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, фамилияси, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варакасидаги «п. в.»—«жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг мухри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варакасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, фамилияси, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варакасидаги «п. в.»—«жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

ОКТЯБРЬ

24 Душанба

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. "Санъат ғунчалари". 18.40 "Олий Мажлис — у қандай бўлади?" 18.55 Эълонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 60 йиллиги олдидан. "Шеъриятимиз сарҳадлари". 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Эълонлар. 21.00 Ўлмас Умарбеков. "Кузнинг биринчи куни". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 22.40 Футбол бўйича Осиё чемпионлари кубоги. "Нефтчи" (Фарғона) — "Сайпа" (Теҳрон). 00.10 — 00.35 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради: 18.30 Болалар учун. "Полопон". 18.55 "Йўлингиз бехатар бўлсин!". 19.25 "Деҳқон ҳиммати". 19.55 — 22.25 "Кин дза-дза". Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар.

ЎзТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

*

19.20 "Мультькарусель". 19.30 "Кунчиқар мамлакатида". Ўзбекистонлик олимларнинг Японияга сафари ҳақида /рус тилида/.

"ОМАД" таништиради:

20.00 "Совға". 20.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув. 20.50 "Хусусийлаштириш: қадам бақадам". 21.10 Эълонлар. 21.15 Видео — "О". 22.45 Эълонлар. 22.50 "Курьер". 23.10 "Об-ҳаво ҳақида". 23.20 — 23.30 "Постфактум". Ҳафта мобайнидаги газеталар шарҳи.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Ҳамманинг тилида". 18.30 "СБ" жумбоғи. 18.45 "Ким. аслида ким?" XX аср. Р. Зорге. 18.50 Янгиликлар. 19.00 "Тиғиз пайт". 19.30 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика). 19.55 "Театр+ТВ". О. Яковлева. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.40 "Спорт уик-энди". 21.55—22.40 "Эркак ва аёл".

25 Сешанба

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Лўли". Бадиий фильм. 10.20 "Туллар юртининг дурдоналари". Телефильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт. 11.00 Концерт. 11.40 Немис тили. 12.00 "Сиҳат-саломатлик" почтасидан. 12.30 — 14.30 "Нурли келажак". Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ёшлик" студияси. "Хотира китоби". 18.55 Эълонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 Спорт хабарномаси. 19.30 "Телеоператор нигоҳида". Париж. 19.40 "Ёшлар куйлаганда". Мусиқий кўрсатув. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Кенгашганга кенг дунё". 21.45 "Кузги марафон". Бадиий фильм. 23.15 — 23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

18.30 "Мультфейерверк". 19.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар. 19.40 "Видеогид". 20.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар. 20.40 — 22.40 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

*

19.20 "Мультькарусель". 19.30 "Инсон ва қонун" кўрсатуви почтасидан.

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.00 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари /Ҳиндистон/. 21.00 "Би-Би-Си" янгиликлари. 21.15 Хитой телевидениесининг кўрсатувлари. 21.55 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 22.10 Қозоғистон Республикасининг Мустақиллик кунига. "Дидар" (қозоқ тилида). 22.50 — 23.05 "Си-Эн-Эн"янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

***

18.00 "Вазият". 18.30 "Инсон ва қонун". Махсус сони. 18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. М. Ганди. 18.50 Янгиликлар. 19.00 "Тиғиз пайт". 19.30 "Шаддод Роза". Телесериал. 19.55 "Мавзу". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.40 "Илк манбадан". 21.50 — 22.35 "Олтин шлягер".

26 Чоршанба

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Фаввора". Бадиий фильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика. 11.00 "Романс тинглаб...". Мусиқий кўрсатув. 11.30 Ўқув кўрсатуви. Биология. 12.00 "Чинорлар ва ниҳоллар". 12.40 — 14.40 "Ёшлик" видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Бозор иқтисодиёти сабоқлари". 18.25 "Фан фидойиси". 18.55 Эълонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!". 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Эълонлар. 21.00 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови. 22.00 Ўзбек киносининг 70 йиллигига. "Икки фильм, бир услуб". Кинокўрсатув. 23.10 — 23.35 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради: 18.30 "Умид билан яшайлик". 19.00 "Бумеранг". 19.30 "Нурли хотиралар". 20.30 "Хонадонингизга осойишталик тилаймиз". 21.00 — 22.55 "Ҳақиқат рўёбга чиқсин". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

*

19.20 "Мультькарусель". 19.30 "Европа марказида". Германия.

*

20.00 "Санта - Барбара". Телевизион бадиий фильм.

*

20.50 — 24.00 "ОМАД" таништиради: "ҚИТЪА СПОРТИ".

Дастурда:

— халқаро мусобақалардан репортажлар; — Ўзбекистоннинг етакчи спортчилари билан суҳбатлар; — спорт ҳақида ҳикоялар; — ахборот ва эълонлар.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

***

18.00 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. 18.30 "Тун ёпёруғ". Г. Борисова куйлайди. 18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. Б. Брехт. 18.50 Янгиликлар. 19.00 "Тиғиз пайт". 19.30 "Шаддод Роза". Телесериал. 19.55 "Кинопанорама". 20.40 Хайрли тун, кичкинтой-лар!

21.00 Янгиликлар. 21.40 "Монолог". 21.50 — 23.45 Ален Делон "Борсалино ва К" бадиий фильмида (Франция, Италия, ГФР, 1974 й.).

27 Пайшанба

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Темир эркак". Бадиий фильм. 10.15 "Наққош". Телефильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика. 11.00 "Саболарда орзу яшар". Мусиқий кўрсатув. 11.40 "Ўзбек давлатчилиги тарихи". 12.15 "Ёшлик" студияси. "Истеъдодларни излаймиз". 13.15 — 14.45 "Синов даври". Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Сайёра Қозиева куйлайди". Фильм-концерт. 18.30 "Таълим ва ислоҳот". 18.55 Эълонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 "Эл хизматида". 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ҳуқуқий жамият сари". 21.30 "Шийпондаги учрашувлар". 22.40 "Кино, кино, кино". 23.30 — 23.55 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

18.30 "Омад" тақвими. 18.35 "Жозиба". 18.55 "Бир шингил ҳангома". 19.05 Видео янгиликлари. 19.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар. 20.10 — 22.10 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

*

19.20 "Мультькарусель".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари /Ҳиндистон/.

20.30 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.

*

21.20 "Ёшлик" студияси. "Эзгуликка интилиб". 22.00 — 22.40 "Хиросима - 94". XII Осиё ўйинларига бағишланган кўрсатув.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

***

18.00 "...16 ёшгача ва ундан катталар". 18.30 "Россия тароналари". 18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. У. Черчилль. 18.50 Янгиликлар. 19.00 "Тиғиз пайт". 19.25 "Шаддод Роза". Телесериал. 19.55 "Очиқ ҳавода суҳбат". Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви. Е. Евтушенко билан учрашув. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.40 "Москва — Кремль". 22.00 — 22.20 "Мен сизга куйлаб бераман...".

28 Жума

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Сиздан угина, биздан бугина". Бадиий фильм. 10.25 Немис тили. 10.45 Болалар учун. "Она юртим, янгроқ қўшиғим". 11.15 "Ҳаёт гулшани". 11.45 "Қишга тайёрмисиз?". 12.15 — 12.55 "Ғазалхон ёшлигим".

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ҳаракатда — баракат". 18.35 Мухбирларимиз ҳикоя қилади. 18.55 Эълонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 "Фазилат". 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Маърифатнома". 21.40 "Мусиқамиз хазинасидан". "Муножот" туркуми. 22.40 "Кино усталари". Наби Раҳимов. 23.30 — 23.55 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 "Ўтмишсиз келажак йўқ". 19.00 "Билиб қўйган яхши!". 19.25 "Шифокор билан мулоқот". 20.10 "Серенада". Телевизион қисқа метражли бадиий фильм. 20.40 — 22.10 "Сиз билан, Сизлар учун!".

ЎзТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

*

19.20 "Мультькарусель". 19.30 "Кафолат". 20.30 "Санта - Барбара". Телевизион бадиий фильм.

"ОМАД" таништиради:

21.20 "Эм-Ти-Ви"дан мусиқалар. 21.40 Эълонлар. 21.45 "Шарқ дурдоналари". 22.05 "Даракчи". 22.15 Эълонлар. 22.20 — 24.00 Видео — "О".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

***

18.00 "Инсон ва қонун". 18.30 "Ҳужжатлар ва тақдирлар". 18.50 Янгиликлар. 19.00 "Бомонд". 19.20 "Шаддод Роза". Телесериал. 19.50 "Мўъжизалар майдони". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.40 "Ҳафтанинг машҳур кишиси". 22.00 — 23.00 "Детективлар клуби"да. "Сан-Франциско кўчалари". Телесериал. 8-серия.

29 Шанба

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Нодир шахс". Бадиий фильм. 10.20 "Қирқ ҳунар ҳам оз". 10.55 "Ҳуқуқингизни биласизми?". 11.25 Рақслар гулдастаси. 11.55 "Кичкинтой" студияси. "Қўнғироқча". 12.25 "Фан ва ишлаб чиқариш". 12.55 "Ал-Мўмин" фирмаси. 13.10 "Талабалик йилларим". 13.45 — 14.45 Солижон Пўлатов. "Улуғбек васияти". Шаҳрисабз шаҳар халқ театрининг спектакли.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Фарзанд — умид юлдузи". 18.30 "Етти иқлим садоси". Халқаро шарҳ. 18.55 Эълонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 Спорт хабарномаси. 19.30 "Дил номалари". Мусиқий кўрсатув. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Бўстон". Телевизион журнал. 22.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Пахтакор" — "Нефтчи".

23.30 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультфейерверк". 9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар. 10.10 "Видеогид". 10.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар. 11.10 "Кинонигоҳ". 12.50 "Омад" тақвими. 12.55 "Жозиба". 13.15 "Бир шингил ҳангома". 13.25 Видео янгиликлари. 13.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар. 14.40 — 16.40 "Кинонигоҳ".

* * *

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Табассум". 19.10 "Балерина Насиба Алимова". Телефильм. 19.40 "Компьютер мўъжизаси". 20.00 — 21.50 Кинематограф. "Чарли Чаплин фильмлари".

ЎзТВ III

10.00 "Телеоператор нигоҳида".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.15 "Ўзбекистон — қадрдон уйимиз". Дунган миллий маданият маркази. 10.55 "Ўзбекистон — чет эллик меҳмонлар нигоҳида". 11.30 — 12.00 "Эҳтиёж".

***

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

*

19.20 "Мультькарусель".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 19.55 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан". Туризм маршрутлари бўйлаб. 20.25 "Барча юлдузлар". Америка маданияти намояндалари. Глен Миллер. 21.00 "Би-Би-Си" янгиликлари. 21.15 "Бу ажиб дунё". 21.35 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 21.50 "Дунё ва биз". Буюк Британия. 22.20 — 22.35 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.50 "Брейн-ринг". 18.45 "Ўшангача ва ундан сўнг". 19.35 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Шляпалилар командаси". Телесериал. 3-се-рия. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.45 "Коламбия пикчерс" таништиради. "Зигфельд. Эркак ва унинг аёллари". Телефильм. 3-серия. 22.40 — 23.20 "Оба-На".

30 Якшанба

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Шоҳруҳ" клуби. 9.30 "Таълим — мустақиллик пойдевори". 10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан". 10.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 90 — 91-сериялар. 12.00 "Ўзбекистон бастакорлари". Ҳалимжон Жўраев. 12.45 "Бўталоқ". Жумҳурият қўғирчоқ театрининг спектакли. 13.30 — 14.30 "ДДД ва бошқалар...". Спорт кўрсатуви.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бир дунё болалармиз". 18.35 "Ҳунари бор — хор бўлмас". Телефильм. 18.55 Эълонлар. 19.00 "Ҳафтанома" (рус тилида). 19.30 Эълонлар. 19.35 "Ёшлик" студияси. "Бир ўлкаки...". 20.25 Эълонлар. 20.30 "Ҳафтанома". 21.00 Эълонлар. 21.05 "Ойнаи жаҳонда...". 21.25 "Дилдаги гаплар". Насиба Абдуллаева. 22.25 "Қуюшқондан чиққанда". Бадиий фильм. 23.40 — 00.10 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

17.00 "Совға". 17.30 "4/8". Мусиқали кўрсатув. 17.50 Эълонлар. 17.55 Видео — "О". 19.35 "Рок ҳақида". 20.05 "Курьер". 20.25 "Об-ҳаво ҳақида". 20.35 "Даракчи". 20.45 Эълонлар. 20.50 "Постфактум". 21.00 "Келинг, танишайлик". М. Матье. 21.40 Эълонлар. 21.45 Видео — "О".

ЎзТВ III

10.00 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови. 11.00 "Ташрифлар ва таклифлар". 11.20 — 12.45 "Ёввойи оққушлар". Бадиий фильм.

***

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 19.55 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари /Ҳиндистон/. 20.55 "Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси". Жазоир Мустақиллиги кунига. 21.35 "Би-Би-Си" янгиликлари. 21.50 "Подиум". 22.20 "Бу ажиб дунё". 22.40 Сиз ёқтирган қўшиқлар. 23.10 "Спорт, спорт, спорт". 23.25 — 23.40 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.05 Янгиликлар. 18.15 "Мулимэлу". Таймир халқининг миллий либоси ҳақида телефильм. 18.30 "Баскетбол [illegible]". "Ҳақиқий ажина овчилари". Мультфильмлар. 19.30 "Бутун Россия". "Тоғли Олтой шаҳри 2000 [illegible]". Бадиий фильм (АҚШ). 22.00—22.45 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви.

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз" дастуридан.

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ ҲУЗУРИДА

Бўка туман ҳокимлиги ва мудофаа бўлими, деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси, фахрийлар кенгаши, ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда армия сафига чақирилувчи ёшлар кунини ўтказди. Бўлғуси аскарлар, ота-оналар, туман жамоа ташкилотларининг вакиллари қатнашаётган йиғилишни туман ҳокимининг ўринбосари Рустам Худойқулов очиб, сўзни ҳокимнинг биринчи ўринбосари Раҳмон Саидовга берди.

— Бўкалик йигитлар мамлакатимизнинг турли жойларидаги ҳарбий қисмларда чиниқиб, она-Ватан ҳимоясида туришибди. Улар Ватанимиз олдидаги йигитлик бурчини сидқидилдан ўтаётганлиги ҳақида командирларнинг мактублари туман ҳокимлиги, ёшлар иттифоқига, ота-оналарга келиб турибди. Фарзандларимиз ҳақида билдирилаётган самимий фикрлардан беҳад хурсандмиз.

У ҳарбий қисмлардан туман ҳокимлигига юборилган икки мактубни ўқиб берди.

Ҳарбий хизматни ўтаётган акаларингиз сингари сергак хизматингиз билан командирлар ҳурматига сазовор бўлишингизга тилакдошман.

Хизматни ўташ жараёнида сизлардан хабардор бўлиб турамиз. Ватанимиз мудофаачилари дастурхонида турли ноз-неъматлар бўлиши ҳақида ғамхўрлик қиламиз. Сизлар армия сафида чиниқиб, келажаги буюк давлат Ўзбекистонни гуллаб яшнашига муносиб ҳисса қўшасизлар, деб ишонч билдираман.

Туман мудофаа бўлим бошлиғи-подполковник Баҳодир Аҳроров аскарларни матбуотда эълон қилинган республика Вазирлар Маҳкамасининг "Муддатли ҳарбий хизматчиларга ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги қарори билан таништирди. Ўзбекистон республикасининг умумий ҳарбий мажбурий ва муқобил хизмат тўғрисидаги қонунларнинг моддаларини шарҳлаб берди.

— Яқинда неварам хизмат қилаётган ҳарбий қисмда бўлиб қайтдим. Зобитлар аскарларни ўз фарзандларидай ардоқлаб тарбиялашмоқда, — деди ота-оналар номидан сўз олган Бўка шаҳар фахрийлар кенгаши раиси Абдулла ака Адитаев. — Чақирилув ёшига етган фарзандларимиз ота-боболаримиз ҳимоя қилган Ватанимизнинг муносиб қўриқчилари бўлишига ишонаман.

Шу куни армия сафига чақирилувчиларга туман ёшлар иттифоқининг "Жонажон Ватан ҳимоячиси" эсдалик варақаси топширилди.

Саидазим ШАРОФХОНОВ, "Ишонч" мухбири.

ТАШАККУРНОМА

Икки ой муқаддам иссиқ жоннинг истмаси билан Самарқанд вилоятидаги Булунғур туман касалхонасининг жарроҳлик бўлимига тушиб қолдим. 75 йиллик ҳаётим давомида биринчи маротаба шифокорларга мурожаат қилишим эди. Менга жарроҳлик бўлими бошлиғи Исломжон Ҳусанов алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан қараб, ўзининг бутун шифокорлик санъатини ишга солди. Шифокорнинг ўз касбига меҳри ва қобилияти туфайли мен ҳаётга янгидан қайтгандай бўлдим. Бу ерда мен қатори келиб шифо топиб кетаётганлар кўпчиликни ташкил этади. Ана шу кўпчилик номидан Исломжон Ҳусанов бошчилик қилаётган шифокорлар меҳнат жамоасига ташаккуримни изҳор этаман.

Зиёхол ОТАБЕКОВА, пенсионер, Булунғур туманидаги Олқартепа хўжалиги, Қўштамғали қишлоғи.

Спорт

THE 12th ASIAN GAMES
HIROSHIMA 1994

XII ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ЯКУНЛАРИГА ДОИР

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМНИНГ ДОВРУҒИ

ЯПОНИЯНИНГ Хиросима шаҳрида 16 кун давом этган XII Осиё ўйинлари ниҳоясига етди. Қитъамиздаги 42 мамлакатдан келган етти мингдан ортиқ спортчилар спортнинг 34 тури бўйича 337 та медаллар шодаси учун қизғин кураш олиб боришди. Бу йилги Олимпиадада Марказий Осиё мамлакатларидан келган спортчиларнинг мустақил давлатлар сифатида илк бор қатнашишлари мусобақаларни янада қизғин ўтишига сабаб бўлди. Ўзбекистон ва Қозоғистон спортчилари ўз маҳоратларини спорт мухлисларига намойиш қилдилар. Республикамиз терма жамоаси Осиёдаги энг кучли жамоалардан бири эканлигини муносиб равишда исботлади.

Ўзбекистон терма жамоаси 10 та олтин, 9 та кумуш ва 19 та бронза, жаъми 40 та медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида Хитой, Япония, Корея ва Қозоғистондан кейин фахрли 5 ўринни эгаллади.

Медаллар шодасини қўлга киритишда Иван Киреев, Алишер Авазбоев, Олег Маскаев, Шуҳрат Аҳмедов, Николай Рипичев, Энвер Осмонов, Оксана Яригина, Рамиль Ғаниев, Светлана Мунькова, Владимир Парфёнов, Григорий Пуляев, Андрей Колганов, Оксана Чусовитина, Шамсиддин Худойбердиев, Баҳодир Қурбонов, Виктор Зайцев, Наримон Отаев каби ўнлаб спортчилар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Қувонарлиси шундаки, уларнинг кўпчилиги касаба уюшмалари жамиятларида тарбияланиб, камол топганлардир.

Олимпия ўйинларида айниқса, футболчиларимизнинг ҳар бир учрашувлари қизғин баҳслар остида ўтди. Ўйинларни фақат ғалаба билан якунлаган футболчиларимиз ишқибозларга чексиз қувонч улашдилар. Хитой терма жамоаси билан бўлган финал учрашувида чарм тўп усталаримиз 4:2 ҳисобида ажойиб ғалабага эришиб, Осиёнинг энг кучли футбол жамоаси деган номга сазовор бўлдилар. Финал учрашувига бутун дунё катта қизиқиш билан қаради ва бу учрашув Осиё, Европа ва Америка қитъасининг бир неча телекомпаниялари томони-дан олиб кўрсатилди.

Футболчиларимиздан Миржалол Қосимов энг яхши ярим ҳимоячи, Игорь Шквирин энг моҳир ҳужумчи, Юрий Шейкин эса энг яхши дарвозабон деб тан олинди.

Навбатдаги XIII Осиё ўйинлари 1998 йилда Бангкок шаҳрида ўтказиладиган бўлди.

17 октябрь куни Тошкент аэропортида XII Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этган спортчиларимизни кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Суратларда: кутиб олиш тантаналаридан лавҳалар.

БУ ҲАМ РЕКОРД

"ГЕННЕСНИНГ рекордлар китоби"ни варақласангиз антиқа воқеаларга дуч келасиз. Жумладан, француз Мишель Лотитен исми ҳам қайд этилган. Хўш, Мишель нимаси билан бу машҳур китоб саҳифаларидан ўрин олган экан? — деб ўйларсиз. Мишелнинг айтишича, виски ичгач, ойна ва металлдан ишланган буюмлардан газак қилишни жуда ёқтирар экан. Рекордчи ва баъзи бир гувоҳларнинг тасдиқлашларича, Мишель кейинги 25 йил ичида ўндан ортиқ велосипедни ва анча-мунча ойнани газак қилиб юборган.

БЕКОРЧИЛИК ЖОНГА ТЕККАЧ...

АМЕРИКАНИНГ Таксон шаҳридаги барча ўт ўчирувчилар уч-тўрт йил муқаддам ишдан бўшаш ҳақида ёппасига ариза ёзгандилар. Бунга асосий сабаб — Таксон жуда кам ёнғин чиқадиган шаҳарлардан биридир. Кейинги саксон йил ичида бу ерда бирор марта ҳам ёнғин чиқмаган. Бекорчилик жонига теккан "бечора" ўт ўчирувчилар ўз касбларини ўзгартиришга мажбур бўлиб, юқоридаги қарорга келганлар.

ЎҒРИНИНГ ШЎРИ ҚУРИДИ

ИСПАНИЯНИНГ Сарагос шаҳрилик Рамиро Санчес исмли йигит темир йўл вокзалида "ўлжасини" ахтариб кўзлари бежо боқарди. У бир кишини жомадонини девор тагига қўйиб, чипта олиш учун касса томон шошиб кетганини кўриб қолди. Фурсатдан фойдаланган ўғри жомадонни олиб, ғойиб бўлади. Қулай жой топгач Рамиро жомадон қулфини бузиб, нима борлигини билиш учун ичига қўлини тиқади. Шу заҳотиёқ жонжаҳди билан қичқириб юборади. Ёрдамга югуриб келганлар йигитнинг ўнг қўлидаги тўртта бармоғида осилиб турган илонларни кўриб ҳанг-манг бўлиб қолишади. Маълум бўлишича, илон ўйнатувчи заҳарсиз кичкина илонларни бошқа шаҳарга олиб кетаётган экан.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ
КЕНГАШИ

Бош муҳаррир ўринбосари
Акмал АКРОМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Рустам АБДУРАЗЗОҚОВ,
Абдуманнон АЛИМБОЕВ,
Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,
Турғунбой МАДИЁРОВ,
Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб),
Муҳаммаджон ОТАҚУЛОВ,
Муҳайё ТЎЛАГАНОВА,
Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА,
Баҳодир УМУРЗОҚОВ,
Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ
(бош муҳаррир).

• Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
• Бош муҳаррир муовини — 56-52-89
• Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

• Касаба уюшмалари ва мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79
• Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар — 56-87-78, 56-87-63
• Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

• ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-23-10
Бухорода — 3-50-10
Гулистонда — 2-24-98
Жиззахда — 2-31-41
Навоийда — 3-52-99
Наманганда — 6-22-10
Нукусда — 2-44-46
Самарқандда — 35-64-22
Термизда — 2-70-07
Тошкентда — 56-82-79
Фарғонада — 4-28-29
Урганчда — 6-03-40
Қаршида — 5-33-71

• Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

• СОТУВДА эркин нархда.
• Шанба кунлари чиқади.
• Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди — 19.00

• Навбатчи масъуллар:
Турғун НАЗАРОВ,
Саидазим ШАРОФХОНОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700165, Тошкент шаҳри,
«Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

• 69639 нусхада босилди.
• Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.
• Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.
• IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
• «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили. «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. • Буюртма Г-1062.

1 2 3 4 5 6